

ҲЕЧ КИМНИНГ, АВВАЛАМБОР, МАРКАЗИЙ ВА МАҲАЛЛИЙ
ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ САЙЛОВ ЖАРАЁНИГА
АРАЛАШИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ.



O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

SHU AZIZ
VATAN —
BARCHAMIZNIKI!

● 2009-yil ● 7-noyabr ● Shanba ● 131 (30.091) ● www.uzbekistonovozi.uz ● 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

«ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБЛАР» КИТОБИНИНГ ТАҚДИМОТИ

Маълумки, «Маънавият» нашриёти томонидан 2006 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига юборилган минглаб мактуб ва номалар ҳамда уларга давлатимиз раҳбари йўллаган жавоблардан танлаб олинган айрим намуналар «Президентга мактублар» деган ном билан алоҳида китоб шаклида нашр қилинган эди.

Яқинда ана шу китобнинг иккинчи жилди чоп этилди. Янги нашрдан 2005-2009 йиллар давомида Ўзбекистонда мамлакатимиз ва хорижий давлатлар фуқаролари ҳамда нуфузли халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари, таниқли сиёсатчилар, жамоат арбобларидан келган хатлар ва уларга жавоб мактубларидан айрим намуналар ўрин олган.

Шу йилнинг 6 ноябрь кунини Ўзбекистон Миллий университетида ушбу китобнинг тақдимоти бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Таъдбирда таниқли маданият, адабиёт ва маънавият намояндлари, пойтахтимиздаги бир қатор олий ўқув юр்தларининг профессор-ўқитувчилари ва талабалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тақдимот маросимида Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари М.Ҳожиматов, философа фанлари доктори, профессор А.Очилдиев, филология фанлари доктори, профессор С.Ғаниева, филология фанлари номзодини О.Мадаев, Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги 300-иқтидорли ва қобилиятли

болалар мактаби ўқитувчиси М.Курбонова, Республика болалар психоневрология шифохонаси бош шифокори ўринбосари Ф.Ҳамроев, Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаси Л.Абдуллаева, Тошкент давлат иқтисодиёт университети магистранти А.Ҳакимов ва бошқалар сўзга чиқиди.

Таъдбирда «Президентга мактублар» китоби Ўзбекистон Президентининг юксак масъулияти, серқирра фаолияти ҳақида китобхонлар тасаввурини янада кенгайтириб, мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсати, ҳалқимизнинг эркин ва фаровон ҳаёти, қувончу ташвишларига оид энг долзарб масалалар юзасидан ватандошларимиз, халқаро жамоатчилик вакиллари билан олиб борилаётган доимий ва самимий мулоқотлар ҳақида янги маълумотлар беришга, ёшларимизни ватанпарварлик, истиқлол гоёсига садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилиши таъкидланди.

Тақдимот маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов иштирок этди.

(ЎЗА)



Сиёсий партиялар учун ўта масъулиятли давр бошланди. Сайловда кампанияси тобора қизғин тус олмақда. Ўзбекистон Халқ демократик партияси минтақавий кенгашлари пленумларида ҳам шу йил охирида бўладиган сайловлар муносабати билан партия ташкилотларининг асосий вазифалари, маҳаллий кенгашлар депутатлигига номзодлар кўрсатиш масалалари батафсил муҳокама этилмоқда.

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши пленумида шаҳар партия ташкилоти

ЎзХДП минтақавий кенгашлари пленумлари



СИЁСИЙ КУРАШ

ҳар биримиздан катта масъулият талаб этади, дея таъкидлашди партиямиз фаоллари

етакчиси Учқун Шойимқулов жорий йилнинг декабрида ўтадиган сайловлар мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг янги партия ташкилотларининг асосий вазифалари, маҳаллий кенгашлар депутатлигига номзодлар кўрсатиш масалалари батафсил муҳокама этилмоқда.

— Биз бугун сиёсий партиялар билан кучли рақобатда халқ депутатлари ша-

ҳар кенгашида етакчиликни қўлга киритиш учун курашимиз керак, — деди у. — Жойларда партия кенгашлари, бошланғич ташкилотлар ишчи ҳамжиҳатликда ташкил этиб, партиядан депутатликка номзодларнинг сайловда ташвиқотини биргаликда олиб боришлари мақсадга мувофиқ.

— Биз бугун фақатгина партиямизнинг сайловда кампаниясини самарали таш-

кил этиш, сайловда ҳужжатларимиз жозибдорлигига асосий эътиборни қаратсак нотўғри бўлади, — деди Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдурахимова. — Шаҳар кенгашидаги депутатлик гуруҳимизнинг фаоллиги, масъулияти ва ташаббускорлигини оширишга ҳар томонлама ҳисса қўша оладиган номзодларни танлаш масалаларида ҳам кўпроқ баҳс юри-

тишимиз зарур. Чунки, сайланганидан сўнг уларнинг фаолияти нафақат партиямиз, балки Тошкент шаҳри ҳаёти учун ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади. Сайловлар натижаларига кўра, қанча ўрин эгаллашимиздан қатъи назар электратимиз манфаати учун барча куч ва имкониятларимизни йўналтирамиз.

(Давоми 2-бетда)

Дунёнинг энг йирик ахборот агентликлари учлигига кирувчи — «Associated Press» ҳамда «Reuters» ахборот агентликлари билан бир сафда турувчи «United Press International» (UPI) халқаро ахборот агентлиги «Четдан назар: Ўзбекистоннинг Афғонистон бўйича тақлифи аҳамиятли ва долзарбдир» — «Афғонистон: нега «6+3»?» сарлавҳали мақолани чоп этди. Мақола муаллифи таниқли халқаро журналист, Жонс Хопкинс университети қошидаги Марказий Осиё ва Кавказ институти тадқиқотчиси Жон Дейли.

Куйида америкалик экспертнинг ушбу мақоласини газетхонлар эътиборига ҳавола этамиз.

АФҒОНИСТОНДАГИ ГЕОСИЁСИЙ ВА СТРАТЕГИК ВАЗИЯТГА ПРАГМАТИК БАҲО

«Афғонистонда юз берган сўнгги воқеалар, мамлакатдаги вазиятнинг янада мураккаблашуви ҳамда АҚШ аскарлари орасида қурбонлар сонининг тобора ортиб бораётгани Вашингтон янги афғон стратегиясини ишлаб чиқишга уринаётган бир пайтда афғон мижаросини бартараф этиш йўлига янги назар ташлаш зарурати юзага келганидан дарак беради.

Афғонистонда АҚШ ҳарбий амалиёти бошланганидан 8 йил ўтгач, мамлакатда Толибон ҳаракатининг таъсири кучайди, уларнинг жанговар ҳаракатларининг кескин фаоллашуви ҳозирги вақтда Толибон ҳаракати мамлакат ҳудудининг катта қисмини ўз назорати остига олишига замин яратди.

Афғонистон муаммосини ҳарбий йўл

билан ҳал этиш Вашингтонда кескин баҳс-мунозара объектга айлангани ҳолда, яқинда Афғонистонда ўтказилган ниҳоятда сохталаштирилган сайловлар, мамлакат сиёсий ҳаётида деструктив анъаналарни юзага келишига ва этник-худудий кескинликнинг авж олишига сабаб бўлди.

Бундан ташқари, қўшни Покистонда беқарорликнинг кучайиб бораётгани Афғонистондаги ҳарбий-сиёсий вазиятга бевосита ва салбий таъсир кўрсатмоқда. Қобулдаги ҳокимиятнинг фаолиятсизлиги давом этаётгани, Карзай ҳукуматининг заифлиги ва ўз вазифаларини муносиб бажара олмаётгани боис ушбу жараёнлар авж олмақда.

(Давоми 2-бетда)

ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛАР ИЖРОСИ ЙЎЛИДА

Жиззах вилоят партия кенгаши ташаббуси билан «Вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва ёшларнинг иш билан бандлиги» мавзуда давра суҳбати ўтказилди.

Унда ўтган йили вилоятда жами 36475 та янги иш ўрни яратилганлиги ва 12258 нафар йигит-қиз ишга жойлаштирилгани таъкидланди.

Партиянинг туман, шаҳар кенгашлари раислари, депутатлик гуруҳлари раҳбарлари, бошланғич ташкилотлар, «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчилари, Бандликка кўмаклашиш марказлари мутахассислари қатнашган мазкур таъдбирда қишлоқ ёшларининг ҳаёти, орзу-интилишларини қўллаб-қувватлаш, манфаатларини ҳимоя қилиш, иш билан бандлигини таъминлаш масалалари юзасидан фикр-му-

лоҳазалар ва таклифлар айтилди.

Давра суҳбатида қишлоқ жойларида янги иш ўринлари яратилишида бошланғич партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳларининг ролини кучайтириш катта аҳамиятга эга эканлигига эътибор қаратилди. Ғаллаорол, Бахмал, Фориш, Зомин туманларида амалга оширилган таъдбирлар, ёшлар учун яратилган шароитлар ҳамда уларда партия ташкилотларининг муносиб ҳиссаси борлиги айтиб ўтилди.

Шаҳноза ТАНҒРИЕВА,
ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси.

ЎЗБЕКISTON ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ VII ҚУРУЛТОЙИ ДЕЛЕГАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!


Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг VII қурултойи 10 ноябрь кунини эрталаб соат 10-00 да Тошкент шаҳридаги «Ўзэкспомарказ» мажлислар залида ўз ишини бошлайди.

Делегатлар 10 ноябрь кунини эрталаб соат 9-00 дан «Ўзэкспомарказ» фойеида рўйхатга олинади.

«ЎЗБЕКISTON ОВОЗИ» ВА «ГОЛОС УЗБЕКISTОНА» ГАЗЕТАЛАРИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

«Ўзбекистон овози» газетасининг обуна индекси — 220.


«Голос Узбекистана» газетасининг обуна индекси — 120.



Миллат ва маънавият


ЁРУҒ ИСТИҚБОЛГА
ИШОНЧ ТУЙҒУСИ

2



МАМЛАКАТИМИЗ
ҚИШЛОҚ
ВРАЧЛИК
ПУНКЛАРИ

3



ВОҲАДА ЎЗ
ЎРНИ БОР...

4

O'zbekiston havo yo'llari

TOSHKENT
XALQARO
AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган



СИЁСИЙ КУРАШ

ҳар биримиздан катта масъулият талаб этади, дея таъкидлашди партиямиз фаоллари

Шунингдек, музокараларда қатнашган Тошкент педиатрия-тиббиёт институти проректори Алишер Искандаров, Сергели туманидаги 13- оилавий поликлиника бош шифокори Зоя Ан, Мухимий номли ўзбек давлат мусикали театри актёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Турғун Бекназаров ва бошқа кўпга фаоллар бўлгуси сайловларда партиямизнинг ваколатли вакиллари ҳамда кузатувчилари зиммасига катта масъулият юкланаётгани, шу муносабат билан уларни танлаш, сайлов қонунчилиги доирасида фаолият юритишлари учун шариолатлар яратиш ва бошқа масалалар тўғрисида фикр билдирдилар.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ҳамидулла Назаров сўзга чиқди.

Беҳзод ШУКУРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши пленумида фаоллар партиясининг фаолиятини кучайтириш масалаларига асосий эътиборни қаратдилар. Айниқса, сайлов жараёнида ташкилий уюшқоқлик, сиёсий фаолиятнинг аҳамияти катта экани таъкидланди.

— Сайлов кампанияси даврида биз жуда катта кучга эга бўламиз, — деди Қорақалпоғистон республика партиясининг кенгаши раиси Назира Матёкубова. — Партия ташкилотлари, фаоллар, кўрсатётган номзодларимиз ва уларнинг ишончли вакиллари ҳамжihatликда, муштаҳам ҳамкорликда ишласак, кўзлаган натижамизга албатта эришамиз. Ҳамма гап ушбу салоҳиятга кундан кай даражада фойдалана олишимизга боғлиқ. Бизнинг республика ижтимоий-сиёсий ҳаётига таъсиримиз қандай бўлишини ана шу сайловлар натижалари белгиллашнинг асло унутмайлик.

Шунингдек, пленумда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Гулстун Аннақичева ва бошқа фаоллар сайловда кампанияси даврида партиямизнинг ҳар бир аъзоси, етакчиси нималарга эътибор қаратиши зарурлиги ҳақида фикр юритдилар.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон ХДП Бухоро вилоят кенгашининг пленумида вилоят партиясининг кенгаши раиси Саида Жўраева сайловларда ХДП вилоят ташкилотининг иштироки хусусида маъруза қилди.

— Бу йилги сайловлар ҳар биримиздан юксак масъулиятни талаб этади, — деди у. — Олдимизга қўйилган мақсадларга эришиш учун, айниқса, тарғибот-ташвиқот масалаларига бефарқ қарамаслик, бу ишларни кучайтириш, янги ва замонавий, самарали технологиялардан фойдаланиш зарур.

Муҳокамада сўзга чиққан Вобкент, Шофиркон, Пешку, Қорақул туман партиясининг кенгаши раислари Толиб Аветов, Бахром Нейматов, Эркин Холов, Файзулла Бехбудовлар сайлов-

ларга тайёргарлик жараёнида партиясининг фаоллари электорат орасида кўпроқ бўлиши, улар билан суҳбатлар ташкил қилишлари зарурлигини таъкидладилар. Бунда билдирилган фикрлар нафақат сайловчиларнинг кайфиятини ўрганиш, балки кейинчалик сайланган депутатларимизнинг фаолиятини самарали ташкил қилишга хизмат қилади.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Партия Хоразм вилоят кенгаши пленумида кун тартибидаги масала юзасидан Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши раиси Раҳимберган Сабуров маъруза қилди.

Қайд қилинган, эндиликда танланган номзодлар зиммасига катта масъулият юкланмоқда. Ўтган даврда партиядан сайланиб, сўнг партиясининг алоқасини узган депутатлар бўлди. Эндиликда номзодларни танлаш жараёнида бундай ҳолатларни эътиборга олиш зарурлиги алоҳида қайд қилинди. Сайловда ташвиқоти жараёнида бошланғич ташкилотлар фаол, жонқуярлик билан ишласанга самарга эришиш мумкин. Зеро, бошланғич ташкилотлар айнан сайловчида, электорат ва партиясининг ўртасида кўприқдир. Ушбу кўприқни янада муштаҳамлаш партиямиз учун муҳим сиёсий аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгашининг пленумида вилоят партиясининг кенгаши раиси Олим Раваҳон аввало, бу йилги сайловларнинг ўзига хослиги, олдимизда турган муҳим вазифалар ҳақида батафсил тўхтади.

— Аввалги сайловлар ҳам сиёсий кураш асосида ўтган, партиямиздан муносиб кишилар депутатликка сайланган эди, — деди у. — Бу йил ҳам ҳар бир партиясининг сайловларда муносиб иштирок этиш учун пухта тайёргарлик кўрмоқда. Тўпланган тажриба, хатолардан сабоқ чиқариб, сиёсий кампанияда иштирок этмоқда. Биз сайловда кампаниямизни ташкил этиш вақтида буларни албатта эътиборга олишимиз, рақибларимизнинг кучини тўғри баҳолашимиз зарур.

Пленумда номзодларни қўллаб-қувватлаш масалалари юзасидан фикр мулоҳазалар алмашилди. ЎзХДП Қарши шаҳар кенгаши раиси Комила Каримова, Ғузур туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Дилбар Ҳужақулова, Миршор туман партиясининг кенгаши раиси Араббой Хосиятов ва бошқалар муҳим тақлифларни ўртага ташладилар.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Шунингдек, бошқа вилоят партиясининг кенгашларининг ҳам пленумлари бўлиб ўтди. Уларда Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғоғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларига Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг номзодлар кўрсатиш масаласи батафсил муҳокама этилди ҳамда бу ҳақда тегишли қарорлар қабул қилинди.

АФҒОНИСТОНДАГИ ГЕОСИЁСИЙ ВА СТРАТЕГИК ВАЗИЯТГА ПРАГМАТИК БАҲО

Бунга жавобан, дунёнинг етакчи сиёсатчилари Афғонистондаги вазиятни бартараф этиш ва ушбу мамлакатнинг узоқ вақтлардан буён ечимини топмай келаётган муаммоларини ҳал этиш борасида турли ташаббусларни илгари суришмоқда.

Афғонистон муаммосига бағишлаб ўнлаб халқаро анжуманлар ва учрашувлар ўтказилганига қарамай, уларнинг барчаси бирон бир амалий самара бермагани, мазкур тадбирлар доирасида қабул қилинган қарорлар Афғонистондаги вазиятга мутлақо тўғри келмаслиги билан изоҳланди.

Шу маънода, 2008 йил апрель ойида Бухарестда ўтказилган НАТО саммитида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов томонидан илгари сурилган ташаббуслар ўта муҳим аҳамият касб этади. Президент Ислам Каримовнинг ўз вақтида эътибор берилмай «сояда қолган» ташаббуслари, Жорж Буш маъмуриятининг Грузия ва Украина Альянс тартибига киритишга интиланган бир пайтда Афғонистондаги геосиёсий ва стратегик вазият прагматик жиҳатдан баҳолангани билан ажралиб туради. 2001 йил 11 сентябр ғожеасидан анча олдин Ўзбекистон раҳбари Афғонистон глобал терроризм ва диний экстремизм ўчоғига айланган бораётгани ҳақида бир неча бор огоҳланган эди. Кейинчалик воқеалар ривожини ўз баъоратини тасдиқлади.

Президент Ислам Каримов мулоҳазасининг моҳияти шундан иборатки, афғон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмайди, шу боис аҳолининг қашшоқлашуви ва ишсизлик билан боғлиқ бўлган афғон жамиятининг оғир ижтимоий-иқтисодий муаммоларини бартараф этиш учун жиддий зарурат юзга келади. Бундан ташқари, Афғонистон ўзининг ноёб тарихи ва маданиятига эга бўлган кўп элатли ва кўп қонли давлат бўлиб, бу ерда халқ менталитети, унинг тақводорлигини ҳар томонлама инобатга олиш, уларни немсимаслик ёки топташ ўрнига, аксинча, ҳурматини жойига қўйиш тақозо этилади.

Ислам Каримов маърузасининг қизиқарли ва новаторлик хусусиятига эга бўлган жиҳати унинг Афғонистондаги вазиятни тартибга солиш бўйича БМТ шафелигида «6+2» мулоқот гуруҳи доирасида олиб борилган музокара жараёнини Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон, Поки-

стон, Хитой, Эрон, шунингдек, АКШ ва Россия ҳамда Афғонистонда аксилтеррор ҳаракатларини амалга ошираётган ташкилот — НАТОни қўшиб кенгайтирган ҳолда «6+3» шаклида қайта тиклаш борасидаги ташаббуслар бўлди.

Ўзбекистон раҳбари таъкидладики, 30 йилдан буён афғон инқирозининг деструктив таъсирини бошдан кечириётган минтақадаги Афғонистонга чегарадош давлатларнинг бевосита иштирокисиз Афғонистон муаммосини ҳал этиб бўлмайди. Ушбу муаммо глобал аҳамият касб этагани боис, Ўзбекистон Президенти унинг ечимини НАТО тартибидеги Хавфсизликни таъминлаш халқаро кучларига (ISAF) кирувчи халқаро коалицияга аъзо давлатлар иштирокида глобал микёсда кўриб чиқишга қарор дедди.

Президент Ислам Каримов «6+3» мулоқот гуруҳи аъзолари томонидан Афғонистон бўйича ягона узоқ муддатли стратегияни шакллантириш ва халқаро ҳамжамият кўмағида миллий муроғига эришишни янги моделини ишлаб чиқиш муҳимлигини таъкидлади. Бу аниқ босқичда афғон муаммосини ҳал этиш ва узоқ муддатли тинчликни қарор топтиришда зарур шарт-шароит яратилди.

Президент Ислам Каримовнинг Ғарбнинг уша пайтдаги қарашларидан анча фарқ қиладиган нукта-назарига қўра, Афғонистонда чет эл ҳарбий кучлари иштирокисиз равишда ошириш мумкин, бироқ ички умум-миллий муроғига эришишни аниқ моделига эга бўлмай туриб, кўп йиллик зиддиятга барҳам бериб бўлмайди.

Ўзбекистон Афғонистоннинг яқин қўшниси сифатида, мазкур давлат бўйича БМТнинг «6+2» мулоқот гуруҳини ташкил этиш ва амалга оширишда ўзига хос тажрибага асосланган ҳолда ўз ташаббусини олға сурмоқда. Ўзбекистон раҳбариятининг тақлифлари афғон муаммосини БМТ доирасида фақат сиёсий йўл билан Афғонистоннинг ушбу йўналишдаги узоқ муддатли савий-ҳаракатлари асосида бартараф этишга қаратилган.

Тошкент учрашувлари бугунги кунда ҳам долзарб бўлган икки муҳим жиҳатни кенгайтирди. 1979 йил Эрон инқилоби давридан бошлаб, америкаликлар илк бор эронликлар билан бир стол атрофида ўтириши ва улар билан, гарчи билвосита бўлса-да, музокаралар олиб бориши. Эроннинг ядро дастури ва унинг геосиёсий амбициясига қара-

масдан, Афғонистондаги инқирознинг бартараф этишда ва у ерда узоқ муддатли тинчлик ўрнатиш борасида Эроннинг тутган ўрни ва унинг мавжуд имкониятларини инкор этиб бўлмайди. Тошкент Декларацияси Афғонистонда бир-бирига қарама-қарши курашаётган асосий ички кучларнинг иштироки орқали муроғига эришиш борасида илк бор конструктив ёндашувни тақлиф этди.

Ўзбекистонда Афғонистон маданияти, менталитети, халқнинг кўп асрлар мобайнида яқин тарихий ва маданий алоқалар натижасида эришилган анъана ва урф-одатлари тўғрисида мавжуд теран билимлар Афғонистон муаммоларини ечиш учун муҳим манба бўлиб қолади. Бугун Афғонистонда, асосан мамлакатнинг шимолида, 3 миллиондан зиёд ўзбеклар яшаб келмоқда. Бундан ташқари, америкаликларнинг Афғонистондаги тажрибаси 2001 йил ноябр ойидан бошланган бўлса, Ўзбекистон мазкур муаммо билан 30 йил мобайнида, собиқ иттифокнинг 1979 йилда ушбу жафокаш мамлакатга бостириб киришидан бошлаб тўқнаш келади.

Ўзбекистоннинг минтақада муҳим ва зарур ўрин тутшини таъкидлаётган яна бир омил мамлакатнинг Афғонистонга унинг иқтисодий тиклаш учун кенг микёсли ёрдам бераётгани саналади. Охириги йилларда Ўзбекистон темир йўллари қуриш, электр энергияси билан таъминлаш, қазилма ишларини, қишлоқ хўжалигини, ирригация, таълим ва мутахассислар алмашинуви ривожлантириш ҳамда қурилиш асбоб-ускуналари, металл, ўғитлар, озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлаш каби соҳаларда жуда кўплаб ўзаро лойиҳаларни амалга оширди.

Осиё тараққиёт банки кўмағида Ўзбекистон Афғонистоннинг шимолий вилоятларини бошқа давлатлар билан боғлаб турган ягона «Термиз — Ҳайратон» темир йўл тармоғини модернизация қилишда ёрдам бермоқда ва «Термиз — Ҳайратон — Мозори Шариф» темир йўл қурилишини амалга оширмоқда. Ўзбекистоннинг транзит соҳасида кўрсатган яна бир ёрдами бу жорий йилнинг февраль ойида фойдаланишга топширилган НАТОнинг Шимолий Тақсимловчи Тармоғи тартибидеги сўнгги темир йўл тармоғининг жойлаштиришидир. Бу тармоқ НАТОнинг Афғонистондаги ISAF қўшинлари учун мўлжалланган юлар ҳажми ошишини таъмин-

лаб беради. Ўзбекистон компания ва мутахассислари «Мозори-Шариф — Кобул» йўналиши бўйлаб 11 та кўприк қуриши ва Ер шарининг энг мураккаб тоғли ландшафтларидан бири орқали 275 милли юкори кучли тармоғини, 150 мегаваттлик электр энергиясини Термиздан Кобулгача узатишга қодир қурилишни якунига етказишмоқда. Бундан ташқари, «Uzbektelecom» ва «Afghan Telecom Corp.» оптика-тонали алоқаларни ўрнатиш ва Афғонистоннинг интернет тармоғи билан таъминлаш тўғрисидаги битимга эга.

Юқорида кўрсатилган барча омиллар Ўзбекистоннинг Афғонистонни қайта тиклаш жараёнида фаол иштирокчи сифатида муштаҳам ўрин эгаллаганини билдирди. Лекин ушбу давлатда мавжуд қийинчиликларни ҳисобга олган ҳолда муаммоларни комплекс равишда ҳал этишда янги реал ҳолатлардан келиб чиқиши керак. Дунёнинг ҳеч бир мамлакати, ҳаттоки Америка Қўшма Штатлари ҳам бу муаммоларни яқка ҳолда еча олмади.

Тошкент Декларацияси имзолангандан сўнг 10 йил ўтган, Ўзбекистон дунёнинг қудратли ҳарбий-сиёсий ташкилоти афғон муаммосини ҳарбий ҳаракатларсиз бартараф этишда кенг жалб қилиниши керак, деб ҳисоблайди. Ўзбекистон нукта назарининг моҳияти шундан иборатки, НАТО нафақат ISAF ҳарбий топшириқларини муваффақиятли амалга ошириш, балки узоқ муддатли сиёсий йўлларни янги миллий келишув усуллари билан ҳал этиш мажбуриятини олади.

Ўзбекистон Афғонистон билан чегарадош давлатлардан бири ҳисоблангани ҳолда, ушбу давлатни кўп йиллик можадордан олиб чиқиш ва келгуси иқтисодий ўсишини таъминлаш борасида зарур ресурсларга ва амалий тақлифларга эга. Шу сабабдан Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг кенг қамровли ва ҳаётий «6+3» ташаббуси янада кенг халқаро ҳаракатлар учун пойдевор бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Охириги ўн йиллар давомида Ўзбекистон афғон муаммосининг ечимини топши бўйича минтақавий савий-ҳаракатларда етакчилик қилди. Вашингтонда муқобил тақлифлар мавжуд бўлмаган бир шариоатда Президент Ислам Каримовнинг ўз вақтида етарлиқа эътибор берилмаган ташаббуси жиддий қўриб чиқишга энг муносиб ташаббусдир.

Жон ДЕЙЛИ,
Вашингтон шахри»

(Давоми. Боши 1-бетда)

Миллат ва маънавият

ЁРУФ ИСТИҚБОЛГА ИШОНЧ ТУЙҒУСИ

Бугун дунёнинг не-не кўкрак керган давлатлари ҳамон молиявий-иқтисодий инқироз бўҳронидан қутулиш йўллариини излаб, турли чоратadbирлар кўраётгани сир эмас.

Мамлакатимиз раҳбари бу воқелик сабабини таҳлил этиб, Ўзбекистон шариоатига уни бартараф этиш чора-тадбирларини белгилаб берди. Эндиликда ҳақон ҳамжамияти Ўзбекистон иқтисодий тараққиётини ўрганиб, ибратли ишлар амалга оширилганлигини эътироф этмоқда.

Ушбу мураккаб жараёнлар сабаблари ҳақида мулоҳазалар юритганда, Президентимиз Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб, маънавият масаласига нега бу қадар катта эътибор бериб келаётгани сабабини чуқурроқ аниқлаш киши. Ҳар қандай таназзул, энг аввало, маънавиятга путур етишидан бошланганини, шунингдек, ҳар қандай қамолот, ҳар қандай тараққиёт пойдевори маънавиятга боғлиқлиги, уни ҳеч қачон ўз ҳолига ташлаб қўймаслик кераклигини таъкидлаб айтганлари ёдга тушади.

Юртбошимизнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» асари дунё иқтисодий инқирозини энгилгани ўрмалай бошлаган бир пайтда ёзилгани ҳам киши эътиборини тортади. Бу асарни ўқиб, юксак маънавият юксак иқтисодий учун ҳам муштаҳам пойдевор эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Дарҳақиқат, мамлакатимизда амалга оширилган ёки амалга ошириляётган қай бир бунёдкорлик ишларига назар ташламайлик, унинг замирида энг аввало маънавиятга дахлдор мурод-мақсадларни кўрамыз. Мисол тариқасида Тошгузар — Бойсун — Қумқўрган темир йўл қурилишини олайлик.

Ҳақли равишда «аср қурилиши» дея баҳоланаётган ушбу ҳайратомуз бунёдкорлик моҳиятан олиб қараганда улкан маънавий ҳодисадир. Биринчидан, бу қурилиш олис ва овлоқ тоғ овулларида истиқомат қилувчи юртдошларимиз руҳинида бемисл эврилиш ясади. Улар темир йўл эътирофларида нақадар аҳамиятли эканини чуқур аниглаб, юз-кўзларида қувонч, қалбларига ёруғ истиқболга ишонч ва беадоқ миннатдорчилик туйғулари балқиди.

Икинчидан, бу темир йўл қурилишига гоъят катта моддий маблағ сарфланди. Замонавий техникалар гудурос солиб ишлади. Лекин бу улкан бунёдкорликда ҳам ҳал қилувчи омил меҳнатсевар инсон ва унинг маънавияти бўлди. Юртдошларимиз афсоналарга хос жасорат, фидойилик, матонат кўрсатишди. Тоғу тошни тараққиёт измига бўйсундиришининг тоғдек-тоғдек муаммоларидан, машаққатларидан чўчишмади. Чунки улар тоғлардан баланд, тоғлардан пойдор ёруғ истиқболга ишонч туйғусига таянишди!

Ишонч туйғуси! Бу — энг аввало, ҳозирги безовта дунёда, долғали даврда Ўзбекистонимизни истиқбол сари собит-қадамлик билан етаклаётган Юртбошимизнинг эзгу гоъяларига, эзгу амалий ишларига халқимизнинг ишонч ва садоқат ҳиссидир. Халқимизнинг йилдан-йилга чинордек илдиз отиб, буй чўзаётган шу фазилати жамики зафарларимизнинг асл гарови десак асло муволага бўлмайди. Зеро, ўз танлаган йўлига, эртанги кунига ишонмаган қарвон ҳеч қачон манзилига етолмайди. Ахир, ишонч туйғуси — инсон маънавиятининг ўзаги, садоқат, мардлик жипслик каби эзгу қадриятлар бешигидир. Шундай ишонч туйғуси бор экан, биз ҳар қандай муаммони энгиб ўтишга, бугунимизни ҳам, эртангимизни ҳам порлоқ қилишга қодирмыз.

Чоршанба РЎЗИБОВ,
журналист.

Ҳозир Жиззах шаҳрида ўндак зиёд қўшма корхона фаолият кўрсатаётти. Улар ички ва ташқи бозор учун маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

МАҲСУЛОТ ТУРИ КЎПАЙДИ

«Эталон — Сангзор» Ўзбекистон — Хитой — Туркия қўшма корхонаси шуларнинг биридир. Корхонага замонавий технологиялар олиб кирилган, тайёрланаётган маҳсулот тури кўпайиб, иш унумдорлиги ошди. Бугун бу ерда ўн етти турдаги уй-рўзгор жиҳозлари, эшик ва дераза ромлари, мебеллар ишлаб чиқариляпти.

Шуниси эътиборга лойиқки, қўшма корхонадаги мавжуд ускуналарни модернизациялаш натижасида тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифати тубдан яхшиланди. Натижада «Эталон — Сангзор» тамғаси билан чиқариляётган маҳсулотларга талабдорлар кўпаймоқда. Бундан корхона ҳам, харидорлар ҳам бирдек манфаат кўраятти.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимиз Ислам Каримовнинг 1998 йилдаги Фармони билан қабул қилинган «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури»ни амалга ошириш орқали соҳада босқичма-босқич ислохотлар олиб борилди. Бу борада қишлоқ аҳолисига замонавий тиббий хизмат кўрсатиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.
Орадан ўтган ўн йилдан ортиқ вақт мобайнида республикамизда жами 3164 та қишлоқ врачлик пунктлари ташкил топди. ҚВПларнинг 1061 таси янгидан қурилган, 2103 таси эса қайта реконструкция қилинган. Айни пайтда қишлоқларда яшовчиларга 7971 нафар умумий амалиёт шифокорлари тиббий хизмат кўрсатаёпти. 2008 йилда ҚВПларни мутахассис кадрлар билан таъминлаш 89,6 фоизни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг тўққиз ойига кўра бу кўрсаткич 91,6 фоизга ўсди.
Қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида ҚВПлар меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, йўриқномалар, диагностика ва даволаш стандартлари билан таъминланди.

ТИББИЁТИМИЗДА БУЮК САКРАШ...

Ўтган 10 йил вақт ичида махсус ўн оилалик курсларда 3594 нафар қишлоқ врачлик пункти шифокорлари ўқитилди. 800 нафар шифокор эса тиббиёт олийгоҳларини умумий амалиёт шифокори дипломи билан битириб чиқди.
 Бинобарин, соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан врачларни қайта ўқитиш, малакасини ошириш масаласига жиддий эътибор қаратилаётир. Жумла-

ўрганяпти? Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг умумий амалиёт шифокорлари малакасини ошириш кафедраси доценти, тиббиёт фанлари номзоди **Роҳатой Нурмухамедова** шундай дейди:
 — Умумий амалиёт шифокори тиббиётимизда янги йўналиш. Қишлоқ врачлик пункти, бирламчи тиббий санитария ёрдами — замонавий тиббиётнинг бош бўғини. Зеро, дунё тажрибасида аҳолига тиббий

маъруза қилдим. Улар ҚВПлардаги бекиёс ишларимизни «Тиббиётдаги буюк сақраш!» дея эътироф этишди.
 — Кафедрамизда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан 2 нафардан ҚВП шифокорлари келиб бир ойлик малака ошириш курсида ўқийди, — деб давом этади Роҳатой Нурмухамедова. — Режага кўра ҳар ойда 22 нафар курсантни қабул қиламиз.
 Жорий йилнинг 18 августидан соғлиқни сақлаш вазирли-

8 ноябрь — Тиббиёт ходимлари куни



доллари миқдориди тиббий хозлар келтирилди. Деярли барча бириктирилган ҚВПларда жорий таъмирлаш ишлари бажарилди.

тизимдаги даволаш-профилактик муассасалари қайта реконструкция қилинди. Ушбу ҚВПлар республиканинг 810389 нафар аҳолиси (50,2

Мана, ҳозир бизнинг қишлоқда ҳам шундай шифохона борки, кўрсангиз, ҳавасингиз келади. Шундай савоб ишларга, эл-улус соғлиғига бош бўлган, Юртбошимизга раҳмат!

Дарҳақиқат, бугун отахон айтган Тарнаут қишлоқ врачлик пункти 3015 нафар аҳолининг соғлиғини муҳофазалайди.

— Кунига 75-100 нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатамиз, — дейди ҚВП муdiri Дилбар Мирзаева. — 5 нафар олий, 2 нафар биринчи тоифали врач ишлайди.

— Вилоятимизда 343 та ҚВПлар мавжуд, — дейди Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Илҳом Нарзиева. — Жорий йилнинг ўтган 9 ойида ҚВПларга аҳоли томонидан 4874174 та мурожаат бўлди.

Мамлакатимизда халқ саломатлигини муҳофазалаш, соҳа ходимларининг турмуш шароитини янада яхшилаш, давлат тиббиётининг сифатини ошатириш йўналиши ҳисобланади. Президентимиз ташаббуси билан 2006 йил 12 сентябрда «Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида» Қонун қабул қилинди. Бу соғлиқни сақлаш тизими ходимлари меҳнатига кўрсатилаётган катта эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин далилидир.

Бугун мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини кўрсатаёпти. Истиқлол йилларида Ўзбекистонда аҳолининг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 72,5 ёшгача, шу жумладан, эркакларнинг ўртача умр кўриши — 66 ёшдан 72 ёшгача, аёлларнинг ўртача умр кўриши эса 70 ёшдан 74,6 ёшгача ўзайди. Бу биз юкорида тилга олган ғамхўрликнинг мевасидир.

Жорий йилнинг сентябрь ойида тиббиётга оид халқаро форумда **олмониялик таниқли олим, профессор Петтер Хаммерер таъкидлаган эди:** «Юртингиз билан танишган инсон бугунги тиббиётда эртакларнинг замирида эртанги кун учун қайғуриш устуворлигини яққол сезади. Мени бир нарсга ҳайратга солди, халқ соғлиғини ҳимоялашда узвий бир тизим яратилган, уни тирик организм деб фараз қилиш мумкин. Айниқса, қишлоқ одамларига кўрсатилаётган тиббий хизматни тирик организмнинг қон томирларида қиёслаш мумкин. Дунёнинг манаман деган ривожланган давлатларидаям бирламчи тиббий санитария, қишлоқ врачлик пунктларида бундай узвий тиббий хизмат камданкам учрайди...»

Саида САЙХУН, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЯНГИ ТУФУРУҚ МАЖМУАСИ

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилнинг ўтган даврида Сурхондарё вилоятида юздан ортиқ янги муассасалар фойдаланишга топширилди. 150 дан ортиқ масканлар қайта таъмирланди. Уларнинг аксариятини таълим, тиббиёт, маданият ҳамда спорт иншоотлари ташкил этади.

Яқинда Сарийосиё туманида икки қаватли янги туғуруқ мажмуаси фойдаланишга топширилди. 300 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланган мажмуани вилоятдаги «Таъмирлаш-монтаж-қуриш» жамоаси тез ва қисқа фурсатларда қуриб битказди.

(Ўз мухбиримиз)

КЎРИК ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

«Республикадаги энг яхши қишлоқ» кўриктанловининг Фарғона вилояти босқичи якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 13 майда қабул қилинган қарорига мувофиқ ташкил этилган танловнинг Фарғона вилояти босқичида қатор қишлоқлар тасвирга этилди. Танлов ҳайъати аъзолари энг яхши қишлоқни аниқлашда уларнинг меъморий қиёфаси, замонавий лойиҳалар асосида барпо этилган уй-жойлар, маданий-маиший ва ижтимоий объектлар, ободонлаштириш ишлари, аҳолининг бандлиги каби муҳим жиҳатларга алоҳида эътибор қаратдилар.

Танлов натижасида кўра Ўзбекистон туманидаги Қудаш қишлоғи биринчи ўринга муносиб топилди.

— Бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларининг кўлами йилдан-йилга кенгайиб, қишлоғимиз тобора чирой очмоқда, — дейди Қудаш қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Шомуроджон Шоносиров. — Хусусий тадбиркорлар томонидан барпо этилган йиғирмадан ортиқ хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчалари аҳолининг узоғини яқин, оғирини енгиб қилмоқда. Яқка тартибдаги турар-жойлар ҳам замонавий архитектура талаблари асосида барпо этилаётир. Қишлоғимизда миллий ҳунармандчилик, боғдорчилик, турли зирavorлар етиштириш ривожланиб, аҳолининг бандлик даражаси ва даромади ўсиб бормоқда.

Жорий йилда қишлоғимизда икки километрдан ортиқ ички йўللarga асфальт ётқизилди. Ешларимиз учун кўркам стадион фойдаланишга топширилди.

М.СУЛАЙМОНОВ, ЎзА мухбири

МАМЛАКАТИМИЗ ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТЛАРИ

дан, умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш мақсадида биргина 2009-2010 ўқув йилида 737 нафар бирламчи бўғин врачлари 10 ойлик махсус курсларга қабул қилинди.

Болалигим Сирдарё туманининг Чолтўқай (ҳозир уни Деҳқонobod дейишади) қишлоғида ўтган. Ҳар сафар қишлоққа йўлим тушса, замонавий, кўркам ва файзли қишлоқ врачлик пунктини кўраман. Қалбимдаги чексиз армондан юрагим сим-сим оғрийди. 1979 йилнинг 30 декабрь куни эди. Шом ғираширасида уйга кириб бордим. Салима опа мининг ой-кунни ақин эди қаттиқ шамоллаб бетеб бўлиб ётибди. Устига-устак уни тўлғоқ тута бошлади. «Тез ёрдам» чақириш учун хароб амбулаторияга қараб югурдим. Эшигида кулф... Ярим кеча «Тез ёрдам» келди, опамни туман марказидаги шифохонага олиб бордик. Афсуски, биз кечиккан эканмиз, 24 ёшни қаршилаган навжувон бевақт оламдан ўтди.

Шукрки, у кунлар ордта қолди, доруломон замонлар келди.

Ҳозир Деҳқонobod қишлоғи аҳолисида тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган замонавий қишлоқ врачлик пункти, уч нафар шифокор ва малакали ҳамширалар хизмат кўрсатаёпти.

— Яқинда пойтахтдаги бир оилалик малака ошириш курсида ўқиб келдим. Машгулотларда педиатрия, генетология, кардиология, урология соҳасидан сабоқ беришди. Шунингдек, вилоятлардаги ҚВПларда ҳам ўрганасан арзийдиган тажрибалар кўп экан. Олган билам ва тушунчаларим аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатишда асқотаяпти. Қишлоқ врачлари замон билан ҳамнафас бўлиши лозим, — дейди **Охунбоев ҚВП муdiri Зумрад Аҳмедова**.

Дарҳақиқат, қишлоқ врачига замонавий билим ва малака сув билан ҳаводек зарур. Ҳўш, бугун қишлоқ врачлари малакасини қандай оширяпти? У нимани



хизматнинг асосий қисми умумий амалиёт шифокори, амбулатор-поликлиника муассасалари томонидан амалга оширилади. Масалан, Франция, Англия, Германия, Канада, Япония ёки бошқа ривожланган давлатларда 55-80 фоиз беморлар умумий амалиёт шифокори хизматидан фойдаланади. Демак, тиббиётнинг бирламчи бўғинига мансуб шифокорнинг малакасини ошириш муҳим масала.

Шунингдек, ҚВП шифокори малакасини оширишда замон талабига мос ўқув-машгулотлари ўтказиш учун аввало биз — ўқитувчилар дунё тажрибасини ўрганишимиз керак. Мен жорий йилда Эстониядаги Тарту университетининг оила тиббиёти кафедрасида малака ошириб қайтдим. У қадимий илм даргоҳи, унда оила шифокори факультети бор.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларидан келган мутахассислар ўқув-машгулотларини олиб беришди. Мен хоржилик мутахассислар олдида Ўзбекистонимиз ҚВПлари ҳақида

гининг навбатдаги Ҳайъат йиғилишида тиббиёт олийгоҳлари, илмий-тадқиқот институтлари, республика ихтисослаштирилган марказлар томонидан намунали ҚВПларни ташкил этиш бўйича амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди. Аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф қилиш чора-тадбирлари белгиланди. Репродуктив саломатлик бўйича бирламчи тиббий санитария ёрдам муассасаларининг иш фаолияти таҳлил этилди.

Шунингдек, ҚВПларнинг паспортлари қайта кўриб чиқилди. Улар фаолиятига танқидий баҳо бериш тизимини тақомиллаштириш учун ҚВПларнинг асосий фаолият кўрсаткичларини камраб олган мезонлар ишлаб чиқилди. ҚВПлар паспортлари асосида маълумотлар базаси яратилди.

Мавжуд пунктлар моддий-техник базасини яхшилаш учун «Саломатлик-2» лойиҳаси доирасида жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида 426,3 минг АҚШ

2009 йилнинг август ойида вазирлик томонидан олиб борилган ўрганишлардан сўнг, қишлоқ аҳолисини биринчи навбатда зарур бўлган доридармон воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш мақсадида, уларнинг 92 турдаги рўйхати тузилди ҳамда тасдиқланди.

Дорихона ва уларнинг шохобчаларини ташкил этиш бўйича «Дори-дармон» акциядорлик компанияси томонидан 120 та ҚВП қошида дорихоналар очилиш йўлга қўйилди. Бугунгача 57 та ана шундай дорихона шохобчалари пайдо бўлгани қувончли ҳолдир. 2010-2011 йилларда қолган ҚВПлар қошида ҳам дорихоналар иш бошлайди.

ШИМОЛИЙ САРҲАДИМИЗДАГИ ЭЗГУ ИШЛАР

Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ ва овул аҳолисига 183 қишлоқ врачлик пункти тиббий хизмат кўрсатаёпти. ҚВПларнинг 66 таси махсус лойиҳа бўйича янгидан қурилган бўлса, 119 таси

фоиз)ни қамраб олган. Қишлоқ врачлик пунктларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида 2004 йилда «Саломатлик-1» лойиҳаси доирасида 108 та ҚВП 1 миллиард 673 миллион 641 минг доллар билан таъминланди. 2006-2009 йилларда эса «Саломатлик-2» ҳамда «Аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш» инвестиция лойиҳаси доирасида 54 та ҚВП 284 миллион сўмлик замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Яна 19 та ҚВП ушбу лойиҳа доирасига киритилди.

Шунингдек, 2008-2009 йилларда фойдаланишга топширилган 73 та қишлоқ врачлик пунктнинг 54 тасида «Саломатлик-2» лойиҳаси доирасида асбоб-ускуналар билан таъминлаш жараёни давом этаёпти.

Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ врачлик пунктларида 375 нафар шифокор, уларнинг 291 нафари умумий амалиёт шифокори, 25 нафар терапевт, 30 нафар педиатр, 12 нафар акушер-гинеколог, 17 нафар стоматолог фаолият кўрсатаёпти.

«СИЗГА АЙТАР ГАПИМ...»

Ромитан туманида юз ёшни қаршилаган Чори Бозоров истиколат қилади. Кўпни қорон отахон бизга шундай ҳикоя қилади:
 — Умрим далада ўтди, суюгим меҳнатда қотди. Ола-тасир замонларни кўрдим. Ёвгон ошу зогора нон тогган кунимиз уйимизда байрам бўларди! Бошимиз ёстиққа тегса, қишлоғимиз туғул, туманда битта саводли дўхтир топиламан саргардон бўлар эдик. Эшитиб қолардик: «Фарлоқ қишлоқда терлама тарқабди», деб. Уша жойда яқинларимиз яшаса ҳам йиллаб бора олмасдик.

Яқин ўтмишда иситилмасак, 20-30 километр йўл босиб туман марказига борар эдик.

Вьетнамда юз берган кучли «Мириназ» тўфони оқибатида юзга яқин одам ҳаётдан кўз юмди, ўнлаб кишилар бедарак йўқолди.

Расмий маълумотларга қараганда, дейилади «VNA» АА хабарига, Фуен, Биньдин, Кханьхао, Ниньхуа музофотлари



Тўфон Оқибати оғир бўлди

энг кўп талафот кўрди. Фуенда 69 киши, Биньдинда — 13, Кханьхаода — 12, Ниньхуада — 4 киши қурбон бўлди. 1,8 минг гектар қишлоқ хўжалиги экинзорлари яроқсиз ҳолга келди, 9 мингдан ортиқ уй-жой вайронага айланди, 10 минглаб одамлар бошпанасиз қолди.

Вьетнам Социалистик Республикаси ҳукумати бошчилигининг ўрин-

Молдова парламенти 10 ноябрь куни президент сайлови ўтказилиши ҳақида қарор қабул қилди. Республика қонунчилигига кўра, мамлакат президенти парламент депутатлари томонидан сайланади.

САЙЛОВ КУНИ БЕЛГИЛАНДИ

аммо номзодда имконият кам

Демократик партия етакчиси Мариан Лупу ягона номзод ҳисобланади. Унинг учун 101 депутатдан камида 61 нафари овоз бериши лозим. Агар шунда овоз ололмаса, 30 кундан кейин қайта сайлов ўтказилади. Агар шунда ҳам президент сайланмаса, парламент тарқатиб юборилади ва яна қайта парламент сайловлари ўтказилади. Парламент шаклангач, яна президент сайловига рўхсат берилади.



га тиш-тирноғи билан қарши. Маълумки, Молдова парламентининг ҳозирги таркиби жорий йилнинг июль ойи охирида бўлиб ўтган навбатдан ташқари парламент сайловида шакллантирилган. «Навбатдан ташқари» дейилишига сабаб апрелда бўлиб ўтган парламент сайловидан сўнг президенти сайлови икки бор ўтказилса-да, номзод етарли овоз ололмагани боис парламент тарқатиб юборилган ва июлда парламент сайлови қайта ўтказилган эди.

Айни пайтда қонунчилик органи спикери Михай Гумпу вақтинча давлат бошлиғи вазифасини бажариб турибди.

ТИЛ БИЛМАГАНИ УЧУН

жарима жазосига тортилди

Латвия давлат тили маркази маҳаллий ҳокимият органларида ва муниципал йиғинларда текширув ўтказиб, фаолиятда йўл қўйган камчилик ва хатолари ёки мансаб вазоклатини сунистеъмоъл қилгани ёйинки кўзбўйамчиликларга йўл қўйгани учун эмас, балки айнан давлат тилини яхши билмагани учун бир қанча мансабдорларни ва депутатларни маъмурий жавобгарликка, яъни жарима жазосига тортиди.

Масалан, «DELFI» АА маълум қилишича, Даугавпилс шаҳар думаси раиси Уринбосари Григорий Немцов ва депутат Рихард Эйгимс, Резекне шаҳри думасининг икки депутати ҳисобатан шундай жазо қоралари қўлланди.

